Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 19 ноябрь, № 244 (9415) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЯНГИ ТОШКЕНТДА ҲАР БИР ИНШООТ ШАҲАРНИНГ ЯГОНА МЕЪМОРИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА «ЯШИЛ ҚУРИЛИШ» ТАЛАБЛАРИГА МОС БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Янги Тошкент қурилишини жадаллаштириш ҳамда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар ижроси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бир ой аввал давлатимиз раҳбари Янги Тошкент қурилишини жадаллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб, ишлар натижасини ҳар ой муҳокама қилиб боришга кўрсатма берган эди.

Ўтган ҳафтада қабул қилинган алоҳида фармон билан инвесторлар, тадбиркорлар ва ҳудудлар учун қўшимча имтиёзлар ҳамда янги ташкилий механизмлар жорий этилди.

Йиғилишда ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш, инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш ва мавжуд ташкилий масалаларни тезкор ҳал этиш вазифалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Янги Тошкентдаги ишлар мутлақо янгича ёндашув ва қатъий ижро интизоми асосида ташкил этилиши лозимлигини кўрсатиб ўтди.

Тадбиркорлар сармоя киритишга тайёр экани, бунинг учун уларга ортиқча тўсиқларсиз, тезкор ва аниқ ечимлар тақдим этиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда ҳар бир инвестиция лойиҳаси бўйича кунлик манзилли назорат ўрнатилиши белгиланди.

Бунда қурилиш майдонларини ўз вақтида тайёрлаш ва инвесторларга зарур шароитларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ушбу ишлар марказлашган ҳолда Янги Тошкент дирекцияси орқали ташкил этилади.

Инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши муҳандислик-коммуникация тармоқларининг тайёрлигига ҳам бевосита боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари янги шаҳарда қурилиш ва инфратузилмани ривожлантириш ишлари ўзаро уйғун олиб борилиши шартлигини таъкидлади. Электр энергияси, ичимлик суви, канализация, иссиқлик таъминоти ва йўл тармоқлари объектлар фойдаланишга топширилгунга қадар тайёр бўлиши лозим.

Шу муносабат билан вилоятларга бириктирилган ҳудудларни зарур инфратузилма билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Қолаверса, янги шаҳарнинг меъморий қиёфаси ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоятларга бириктирилган ҳудудлар фақат тураржойлар билан чекланиб қолмаслиги, уларда замонавий бизнес ва савдо марказлари, меҳмонхоналар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт объектлари, шунингдек, аҳоли дам олиши учун қулай жамоат масканлари ташкил этилиши зарурлиги таъкидланди.

Ушбу жараёнда ҳар бир иншоот янги шаҳарнинг ягона меъморий концепцияси ва “яшил қурилиш” талабларига тўлиқ мос келиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳудудлар ўртасида замонавий архитектура ечимларини қўллаш, йирик халқаро брендларни жалб қилиш, хиёбонлар ва жамоат жойларини намунали ташкил этиш бўйича соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижроси ҳам танқидий кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг кузги кўчат экиш мавсуми 8 ноябрдан бошланганига қарамай айрим ҳудудларда ишлар суст ташкил этилаётгани билдирилди. Хусусан, Тошкент, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида белгиланган режалар ижроси қониқарсиз экани кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

НАМАНГАНДА ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятида ислоҳотлар натижадорлигини ошириш, йирик инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтириш юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш, хорижий инвестициялар ва экспорт бўйича белгиланган марраларга эришиш ҳар бир ҳудуднинг имкониятларини тўлиқ ишга солишни талаб этади. Наманганда ҳам юқори технологиялар, замонавий саноат ва хизматлар ҳисобидан тараққиётга янги суръат бериш учун кенг салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Жорий йил якунида вилоятга жалб этилган хорижий инвестициялар 5,4 миллиард долларга, экспорт ҳажми 1,2 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Келгуси йилда иқтисодиётни 9,5 фоизга ўстириш, хорижий инвестицияларни 7-8 миллиард долларга, экспортни эса 1,3 миллиард долларга етказиш мумкинлиги қайд этилди.

Бу мақсадлар учун умумий қиймати 5,4 миллиард долларлик янги инвестиция таклифлари шакллантирилган. Давлатимиз раҳбари уларни аниқ лойиҳаларга айлантириш, инвесторларга зарур шароит яратиш ва ҳар бир ташаббус ижросини қатъий назоратга олиш вазифасини қўйди.

Йиғилишда вилоятда барпо этилаётган ва келгуси йилларда ишга туширилиши режалаштирилган йирик объектлар тақдимот қилинди. Жумладан, Наманган халқаро аэропортини кенгайтириш ва модернизация қилиш доирасида соатига 1,2 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатадиган янги терминал ҳамда йилига 21,2 минг тонна юк қабул қилиш қувватига эга карго инфратузилмаси барпо этилмоқда.

Саноатда Чуст туманида тўқимачилик бўёқлари ишлаб чиқариш бўйича 260 миллион долларлик, чиқиндилардан электр энергияси олишда 150 миллион долларлик ва базальтдан иссиқлик сақловчи материаллар тайёрлаш бўйича 125 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Поп туманида кумуш концентрати, Янги Наманганда эса фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш режалаштирилган.

Рақамли иқтисодиёт учун кадрлар ва иш ўринлари яратиш мақсадида Янги Наманган шаҳарчасида замонавий IT-парк биносини қуриш ҳам кўзда тутилган. Унда ўнлаб технологик корхоналар фаолият юритиши режалаштирилмоқда.

Қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги дастурлар ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, Янги Наманган шаҳарчасида 50 минг хонадонга мўлжалланган тураржойлар, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш занжирини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятдаги 183 минг гектар ер салоҳиятидан самарали фойдаланиш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш ва агросаноат кооперациясини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

БИР БАЙРОҚ ОСТИДА ЮКСАЛАЁТГАН ЮРТ

...Мағрур ҳилпираётган Ўзбекистон байроғи. Қалбларда ифтихор, нигоҳларда ҳаяжон. Бир заминда яшаётган миллионлаб инсонларни бирлаштириб турган муқаддас рамз атрофида жам бўлган юртдошлар...

Бу манзараларда байрам шукуҳи билан бирга инсонларнинг жонажон Ватанимизга муҳаббати, мустақиллик қадриятларига садоқати ва миллий ғурури мужассам.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганининг 35 йиллиги муносабати билан ташкил этилган “Бир байроқ остида” республика эстафетасининг якуний тантаналари пойтахтимизда ана шундай кўтаринки руҳда ўтди.





Шукуҳ

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан 11 — 18 ноябрь кунлари ўтказилган мазкур эстафета юртимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Унинг бош ғояси эса оддий ва айни пайтда теран маъноли: халқимизни, айниқса, ёшларни ягона Ватан, умумий қадриятлар ва миллий ғурур туйғуси атрофида бирлаштириш.

Эстафетанинг энг таъсирчан жиҳати, рамзий байроқларнинг мамлакатимизнинг уч йўналиши бўйлаб пойтахт сари ҳаракатланишида намоён бўлди. Ғарбий йўналиш Нукус шаҳридан бошланиб Хоразм, Бухоро, Навоий, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари орқали ўтди. Жанубий йўналиш Термизда старт олиб Қашқадарё ва Самарқандни қамраб олди. Шарқий йўналиш эса Андижондан бошланиб Фарғона, Наманган ва Тошкент вилояти орқали пойтахтга қараб йўл олди.

Шундай қилиб, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан йўлга чиққан рамзий байроқлар гўё юртимизнинг ҳар бир гўшасини ягона маънавий манзилга боғлади. Ҳар бир ҳудудда уларни тантана, зўр қувонч ва ватанпарварлик руҳида кутиб олиш маросимлари бўлиб ўтди. Байроқни бир ҳудуддан иккинчисига топшириш жараёни эса шунчаки рамзий тадбир эмас, балки авлодлар ва ҳудудлар ўртасидаги эзгулик, садоқат ва бирдамлик эстафетасига айланди. Айниқса, ёшларнинг бу жараёндаги фаол иштироки ташаббуснинг тарбиявий аҳамиятини янада оширди. Зеро, Ватанга муҳаббат унинг рамзларига ҳурмат, шонли тарихига эҳтиром ва ёрқин келажагига дахлдорлик туйғусида акс этади.

Уч йўналиш бўйлаб жами 2 440 километр масофани босиб ўтган рамзий байроқлар 18 ноябрь куни Тошкентдаги ягона манзилда бирлашди. Гўё мамлакатнинг турли ҳудудларида бошланган эзгу ташаббуслар бир мақсад, ягона ғоя ва туйғу атрофида жам бўлди.

Эстафетанинг якуний тантаналари пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” саройи олдида ўтказилди. Байрамона безатилган майдон, кўтаринки кайфиятдаги иштирокчилар, қўллардаги ҳилпираган байроқлар тадбирга алоҳида шукуҳ бағишлади.

2

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси ва Ўмон Султонлиги ўртасидаги муносабатлар бугунги кунда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. 1992 йилда дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб, бугунги кунда сиёсий, савдо-иқтисодий ришталар, инвестиция, транспорт-логистика, таълим ва маданий-гуманитар соҳаларни қамраб олган кенг кўламли шерикликка айланмоқда.

Муносабат

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни институционал жиҳатдан мустаҳкамлашда Ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолияти, мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ва шаклланган шартномавий-ҳуқуқий база муҳим замин яратяпти. Шу нуқтаи назардан, преференциал савдо битимини ишлаб чиқиш, божхона тартибларини соддалаштириш ва савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш бўйича келишувлар икки томонлама иқтисодий йўналишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Иқтисодий муносабатларнинг энг истиқболли йўналишларидан бири инвестициявий шериклик бўлиб, Ўзбекистон — Ўмон инвестиция компанияси томонидан мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларига киритилган 256 млн. доллардан зиёд сармоя унинг амалий натижасидир.

3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



МИЛЛИЙ ҒУРУР, ҲАМЖИҲАТЛИК ҲАМДА ВАТАНГА МУҲАББАТ ИФОДАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан “Давлат байроғи — миллий ғурур, халқ ҳамжиҳатлиги ва юксак фуқаролик туйғусини шакллантириш омили” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан ташкил этилган тадбирда депутатлар, ёзувчилар, олимлар, маданият ва спорт соҳалари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат жамоатчилик кенгаши ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари, Парламент тадқиқотлари институти ходимлари, журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, 1991 йил 18 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз мустақил давлат сифатида ўз давлат рамзларини белгилаб олган муҳим тарихий воқеалардан бири бўлди.

Сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида давлат рамзларининг ҳуқуқий мақоми ва уларни ҳимоя қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат суверенитетининг асосий белгиларидан бири сифатида давлат рамзларининг конституциявий мақоми мустаҳкамланди.

Бош қомусимизнинг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга. Давлат рамзлари давлат ҳимоясидадир. Шунингдек, Конституциянинг муқаддимасида халқимизнинг бирдамлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқати, тинчлик ва тотувликни таъминлашга бўлган интилиши ўз ифодасини топди. Бу конституциявий тамойиллар давлат байроғининг миллий бирлик ва умумий фуқаролик мансублигини ифодаловчи рамз сифатидаги аҳамиятини янада оширади.

Мазкур ислоҳотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида конституциявий қонунийликни таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясида ҳамда давлат рамзларига ҳурмат муносабатини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, 2023 йил 7 июлда қабул қилинган қонун билан “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонунга давлат байроғидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан жамоат жойларида, биноларда, яшаш ва иш жойларида, уларга туташ ҳудудларда ҳамда транспорт воситалари салонида фойдаланишга рухсат берилди.

2

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Муҳаммад Наршахийнинг ёзишича, Бухорода ишлаб чиқарилган “занданийчи” матоси қадимда Европа, Осиёда шуҳрат қозонган. Манбаларда у 718-719 йилларда Хитой императорига туҳфа сифатида юборилгани айтилади. Бетакрор нақшлар билан безатилган, пишиқ, енгил ушбу матодан тайёрланган либослар дунё зодагонлари томонидан алоҳида қадрланган.




— Унинг парчаларини Европа музейларида кўриб, корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ҳам худди “занданийчи” каби Осиё, Европа бозорларига кириб боришини орзу қилардим, — дейди “Мергантекс” масъулияти чекланган жамият шаклидаги пахта-тўқимачилик кластери бош директори Иброҳим Ҳамроев. — Буни қарангки, бугун ана шу ниятимиз рўёбга чиқмоқда.

Чиндан ҳам, мазкур кластер таркибидаги “Нигора” корхонаси жамоаси ҳозир ўз миллий бренди билан рақобатбардош маҳсулотлар тайёрламоқда. Бунинг учун қиймати 35 млн. АҚШ доллари бўлган бизнес-лойиҳа амалга оширилди. Корхона замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Натижада йилига 10 млн. погон метр хом ва бўялган газлама, 1 млн. дона тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

4

Хоразм вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида 229,2 минг нафар аҳолининг даромади оширилди, 43,2 минг киши доимий ишга жойлаштирилди. Вилоятда камбағаллик даражаси 6,7 фоиздан 1,7 фоизга тушди. Бу, албатта, салмоқли натижа. Мақсад — вилоятни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш.



КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚИШНИНГ САМАРАЛИ ФОРМУЛАСИ

3 сентябрь куни Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси қўйилди. Жорий қилинган янги тизимда ваколат ва ресурсларни туман даражасига туширишга эътибор қаратилди. Ҳар бир ҳудудда ҳоким бошчилигида штаблар тузилиб, камбағаллик реестридаги оилалар билан индивидуал ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Барқарор даромад манбаи

Келинг, жараёнга бир оила мисолида назар ташласак. Дейлик, оилада эр-хотин меҳнатга лаёқатли. Аёлнинг қўлидан тикувчилик келади. Уй орқасида томорқа ҳам бор. Демак, оилада меҳнат қилишга иштиёқ сўнмаган, ҳунар бор, ер қаровга муҳтож, фақат маблағ етишмайди. Бундай оилага тикув машинаси олиб беришнинг ўзи етарлими? Агар тайёр маҳсулотни сотиш учун бозор топа олмаса, муаммо тўлиқ ҳал бўлмайди. Экин ери бўлса-ю, уруғлик, минерал ўғит, технология, маҳсулотни сотиш тизими бўлмаса томорқа даромад келтирмаслиги мумкин. Шунинг учун янгича ёндашувнинг моҳияти жуда оддий ва аниқ: инсонга фақат ресурс эмас, “касб — иш — маҳсулот — бозор — даромад” занжири зарур. Камбағалликдан чиқишнинг иқтисодий формуласи ҳам шу. Энг муҳими, занжирнинг бирон ҳалқаси узилиб қолмаслиги керак.

Буни Қўшкўпир тумани мисолида таҳлил қиламиз.

— Бугунги кунда туманимизда 5100 та тадбиркорлик субъекти бор, — дейди туман ҳокимининг молия-иқтисод масалалари бўйича биринчи ўринбосари Сирож Пирнафасов. — Уларнинг ҳар бири биттадан қўшимча иш ўрни яратса, туманимизда ишсиз аҳоли қолмайди. Бундан ташқари, оилаларни камбағалликдан чиқариш учун туман штаби ихтиёрида 21 млрд. сўмдан ортиқ маблағ мавжуд.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 19 ноябрь

ЯНГИ ТОШКЕНТДА ҲАР БИР ИНШООТ ШАҲАРНИНГ ЯГОНА МЕЪМОРИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА «ЯШИЛ ҚУРИЛИШ» ТАЛАБЛАРИГА МОС БЎЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, баҳорда экилган кўчатларнинг учдан бир қисми нобуд бўлгани, айрим жойларда эса амалда экилмаган кўчатлар ҳисоботларга киритилгани кескин танқид қилинди.

Давлатимиз раҳбари дарахт экишда сон ортидан қувиш эмас, балки кўчатларнинг тутиб кетиши ва узоқ йиллар давомида ўсишини таъминлаш асосий мезон бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Бунинг учун ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитидан келиб чиқиб сувсизлик, иссиқлик ва шўрланишга чидамли дарахт турларини танлаш, суғориш тизимларини яратиш ҳамда кўчатларни доимий парваришлаш зарурлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, кўкаламзорлаштиришда маҳаллий иқлимга мос, парвариши қулай ўсимликлардан кенг фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун маҳаллий гул ва манзарали ўсимликларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган кўчатхоналар ташкил этиб, сувни кўп сарфлайдиган чим экиш амалиёти ўрнига тожихўроз, райҳон, жамбул каби ўсимликлар ҳамда маҳаллий буталарни экишга устувор эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳар бир маҳаллада аҳоли жон бошига камида уч тупдан дарахт экиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ва мазкур жараёнда маҳалла раислари ҳамда ўрмон хўжалиги ходимларининг масъулиятини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Мутасаддиларга жорий йилда экиладиган кўчатларнинг камида 90 — 95 фоизи тутиб кетишини таъминлаш, аввалги йилларда барпо этилган яшил майдонларни сақлаш ва парваришлаш бўйича аниқ чоралар кўриш топширилди.

Йиғилишда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

НАМАНГАНДА ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу борада Тўрақўрғонда 70 минг бош қўйга мўлжалланган замонавий кластер фаолияти, қатор туманларда паррандачилик мажмуаларини ривожлантириш ишлари кўриб чиқилди. Косонсойда 25 минг бош қорамолга мўлжалланган йирик чорвачилик комплексини барпо этиш режаси ҳам муҳокама қилинди.

Чуст туманидаги Олмос шаҳарчасида деҳқончилик мактабини ташкил этиш ташаббусига ҳам тўхталиб ўтилди. Унда агроакадемия, агроинновация маркази, агросаноат парки, агрологистика ва агротуризм йўналишларини бирлаштириш, хорижлик ҳамкорлар билан юқори ҳосилли картошка уруғчилиги, экспортбоп полиз маҳсулотлари етиштириш ва наслчиликни ривожлантириш таклиф этилди.

Бундан ташқари, интенсив ва органик боғдорчиликни кенгайтириш, Поп тумани адирларини ўзлаштириш, қишлоқ хўжалигига илм-фан ютуқлари ва илғор хорижий тажрибани татбиқ этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда ёшлар бандлиги ва даромадлар масаласи устувор ўрин тутди. Вилоятдаги 786 минг нафар ёшнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун уларни хорижий тиллар ва замонавий касбларга ўқитиш, ички ва ташқи меҳнат бозорларида муносиб иш ўринлари билан таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Ибрат номидаги чет тиллар институтида итальян тилини ўргатиш маркази ташкил этилгани ижобий баҳоланди. Италия компаниялари билан қишлоқ хўжалиги, электротехника ва озиқ-овқат саноатида иш ўринлари яратиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Масъулларга келгуси йилда 10 минг нафар ёшнинг Япония ва Германияда юқори даромадли иш ўринларида меҳнат қилиши учун мақсадли тил ва касбий тайёргарликни йўлга қўйиш топширилди. Хориждан қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш ва уларнинг муаммоларини ҳал этишда рақамли хизматлардан фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Президентимиз бу саъй-ҳаракатлар одамларнинг кундалик ҳаёти ва даромадларида аниқ натижа бериши лозимлигини кўрсатиб ўтди. Шу асосда вилоят аҳолисининг ўртача даромадини 9,6 миллион сўмга етказиш бўйича вазифалар белгиланди.

Туризм соҳасида Поп туманидаги “Арашан” кўп функцияли мажмуасини барпо этиш ишлари ва “Қамчиқ” тоғ дам олиш маскани лойиҳаси муҳокама қилинди. “Арашан” мажмуасининг биринчи босқичини 2027 йилда ишга тушириш, келгусида йилига 1,5 миллион нафар сайёҳни жалб қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чустда янги туризм зоналарини ривожлантириш, Чустда пичоқчилик, дўппидўзлик, кулолчилик ва ёғоч ўймакорлиги анъаналарини жамлайдиган Ҳунармандлар шаҳарчасини ташкил этиш таклиф қилинди. Мазкур лойиҳа доирасида 4 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Савдо ва сервисни кенгайтиришда ҳам қўшимча имкониятлар бор. Ҳозир туну кун ишлайдиган 35 та кўчада 5 мингдан зиёд аҳоли даромад топмоқда. Келгуси йилда бундай кўчалар сонини 50 тага етказиш, Сирдарё бўйида дам олиш ва хизмат кўрсатиш масканларини ташкил этиш, йўлбўйи сервисини яхшилаш вазифалари қўйилди.

Бу тармоқларга малакали кадрлар тайёрлашда Австриянинг Кремс амалий фанлар университети билан ҳамкорликда туризм ва меҳмонхона бошқаруви бўйича қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Чекка маҳаллалар аҳолисига хизматларни яқинлаштириш масалалари ҳам эътибор марказида бўлди. Норин туманидаги маҳалла ахборот ва хизмат маркази тажрибасини барча туманларга татбиқ этиш, Корея Республикаси тажрибаси асосида “Ақлли қишлоқ” лойиҳаларини ривожлантириш таклиф қилинди.

Йиғилиш якунида вилоят ҳокимлиги ва ислоҳотлар штабига йирик лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, янги иш ўринлари ва барқарор даромад манбаларини кўпайтириш, аҳолини қийнаётган масалаларга манзилли ечим топиш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎзА.

Конференция

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Женева шаҳрида Парламентлараро Иттифоқ томонидан ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон парламент конференцияси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Маматкаримов иштирок этди.

Тадбирда турли мамлакатлар парламентлари аъзолари, БМТ экспертлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентларнинг ўрнини муҳокама қилди.

Хусусан, қонунчиликни такомиллаштириш, бюджет сиёсатини инсон ҳуқуқлари устуворлиги асосида шакллантириш ва парламент назорати механизмларини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Конференция доирасида “Миграция ва инсон ҳуқуқлари: парламентларнинг роли” мавзуида ўтказилган сессияда сенатор Ўзбекистоннинг хавфсиз ва тартибли меҳнат миграциясини ташкил этиш тажрибаси ҳақида маъруза билан иштирок этди. Унда мамлакатимизда хорижда меҳнат қилиш истагида бўлган фуқароларни касб-ҳунарларга ва чет тилларга ўқитиш, ишга жойлаштириш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритилди.

Меморандум

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ва Касбий таълим агентлиги ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан сенаторлар — Гулнора Маъруфова ва Малика Қодирхонова, Касбий таълим агентлиги директори Азимжон Ҳусанов меморандумнинг аҳамияти, ҳамкорликнинг мақсадлари ва пировардида эришиладиган натижалар ҳақида фикр юритди. Ўз навбатида, Ёшлар парламенти аъзолари, Тошкент шаҳридаги юридик ва транспорт техникумлари ўқувчилари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат касбий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш ҳамда уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган.

Бундан ташқари, меморандум доирасида техникум ўқувчиларининг Сенатга мунтазам танишув ташрифларини ташкил этиш, сенаторлар ва Ёшлар парламенти аъзолари билан очиқ мулоқотлар ўтказиш, ёшларнинг ҳуқуқий билимлари, етакчилик, нотиқлик ва ташаббускорлик кўникмаларини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш ҳам назарда тутилган.

«Халқ сўзи».



БИР БАЙРОҚ ОСТИДА ЮКСАЛАЁТГАН ЮРТ

1

Тантананинг энг ёрқин лаҳзаларидан бири — давлатимиз байроғининг вертолёт орқали кўкдаги намойиши бўлди. Мовий само бағрида мағрур ҳилпираган байроқни кузатган инсонлар учун бу манзаранинг таъсирчанлиги янада ўзгача эди. Замонавий технологиялар асосида ташкил этилган шоу дастури эса байрамга замонавий руҳ ва бетакрор жозиба бағишлади.

— Таълим муассасамизда миллий рамзларимизга бағишлаб турли танловлар, викториналар, анжуманлар ўтказамиз, — дейди Учтепа туманидаги 81-ихтисослаштирилган мактаб директори Зиёда Ҳайдарова. — Ушбу байрамда ҳам ўқувчиларимиз билан бирга қатнашяпмиз. Бундай тадбирлар замирида юртимизнинг турли ҳудудларида яшаётган инсонларни бир мақсад йўлида жипслаштириш, ёш авлод қалбида миллий ўзлик ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашдек эзгу мақсад мужассам. Зеро, Давлат байроғи — мустақиллигимиз, миллий ўзлигимиз, халқимиз шаъни ва ғурурининг ёрқин ифодаси. Унда асрлар давомида шаклланган тарихимиз, бугунимиз ва ёруғ келажакка ишончимиз акс этади. “Бир байроқ остида” эстафетаси ҳам ана шу ҳақиқатни яна бир бор намоён қилди.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Алиҳан УТАРБЕКОВ ва Юнус БЎРИЕВ олган суратлар.

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳ Тошкент вилоятида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар, ҳудудий кенгаш фаолияти ҳамда коррупциявий омилларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ижросини ўрганди.

Ўрганиш

Ўрганиш жараёнида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгаш фаолияти, унинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлиги кўриб чиқилди. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, тегишли вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган ишлар ҳолатига эътибор қаратилди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирлар ижроси ва натижадорлигини таъминлаш борасидаги ишлар жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Хусусан, ишчи гуруҳ Нурафшон шаҳридаги 26 ва 7-давлат мактабгача таълим ташкилотлари (ДМТТ), 57-умумтаълим мактаби ҳамда вилоят ихтисослаштирилган кардиология марказида бўлиб, таълим ва тиббиёт муассасаларида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, хизматлар кўрсатиш жараёнларида шаффофликни таъминлаш, маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Шу билан бирга, коррупциядан холи ҳудудга айлантириш учун танлаб олинган Янгийўл шаҳридаги 1-ДМТТ, 10-умумтаълим мактаби, 1-оилавий поликлиника, Янгийўл деҳқон бозори ҳамда унга туташ автотураргоҳ фаолияти ҳам кўздан кечирилди. Хусусан, мазкур объектларда коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ортиқча оворагарчилик ва бюрократик тўсиқларнинг олдини олиш, тўловлар ва бошқа жараёнларда очиқликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Масъул раҳбар ва ходимлар билан суҳбатлар ўтказилиб, мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича таклифлар муҳокамага тортилди.

Ўрганиш натижалари асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, ҳудудий кенгаш фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Парламент дипломатияси

ХАВФСИЗЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ

Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида “ЕХҲТ доирасида мулоқот, ишонч ва хавфсизлик манфаатлари йўлида халқаро ҳуқуқни илгари суришда парламентларнинг роли” мавзуидаги учинчи Ашхобод конференцияси бўлиб ўтди.

Туркманистон Межлиси ва ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси ҳамкорлигида ташкиллаштирган икки кунлик халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Мавлудахон Хўжаева бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этди.

Спикер ўринбосари ўз маърузасида сўнгги йилларда Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муносабатлари янги босқичга кўтарилиб, минтақавий ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганига эътибор қаратди. Бу жараёнда давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари муҳим ўрин тутаётгани эътироф этилди. Жумладан, шу йил 8 октябрь куни “Аваза” мажмуасида Марказий Осиё ва Озарбайжон давлатлари раҳбарлари иштирокида ўтказилган саккизинчи Маслаҳат учрашувида Президентимиз Шавкат Мирзиёев эришилган минтақавий келишувларнинг ҳаётий самараси, энг аввало, уларнинг амалда бажарилиши ва халқлар манфаатига хизмат қиладиган аниқ натижаларда намоён бўлишини таъкидлаган эди. Бу ёндашув минтақавий шерикликни ривожлантиришда парламентлар зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклаши қайд этилди. Зеро, айнан парламентлар қонунчилик, халқаро битимларни ратификация қилиш ва парламент назорати орқали эришилган келишувларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши ҳамда ижросига кўмаклашади.

Конференция доирасида суверен тенглик ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига риоя этишда парламент дипломатиясининг ўрни, экологик хавфсизлик ва иқлим ўзгаришларига барқарорликни кучайтириш, табиий офатлар хавфини камайтириш, шунингдек, замонавий технологияларни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига бағишланган сессиялар ўтказилди.

Шунингдек, делегация аъзолари ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси президенти ва Марказий Осиё давлатлари парламентлари раҳбарлари иштирокидаги учрашувда қатнашди. Унда минтақа давлатлари парламентлари ва ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси раҳбарияти ўртасида ихтисослаштирилган сиёсий мулоқот майдонини шакллантириш, мунтазам учрашувлар ва мавзули маслаҳатлашувларни йўлга қўйиш истиқболлари муҳокама қилинди.


Минтақавий келишувлар ижросида парламентлар ролини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг жамоатчилик ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

МИЛЛИЙ ҒУРУР, ҲАМЖИҲАТЛИК ҲАМДА ВАТАНГА МУҲАББАТ ИФОДАСИ

1

Шунингдек, спорт мусобақалари, спорт кийимлари, халқаро тадбирлар ва мамлакатимизга мансубликни ифодаловчи белгиларда байроғимиз тасвиридан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари кенгайтирилди. Бунда давлат рамзига нисбатан ҳурматни таъминлаш, унинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказмаслик, байроқдан кўрсатилган талабларга мувофиқ фойдаланиш муҳим шарт сифатида белгиланди.



Одилжон ИМИНОВ, қўмита раиси ўринбосари:

— Давлат байроғи халқимизнинг орзу-интилишлари, эзгу мақсадлари, миллий қадриятлари, тинчлик ва фаровонликка интилишларини ўзида мужассам этган муқаддас тимсолдир. Тадбир иштирокчилари билан мулоқот чоғида давлат рамзларига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, Давлат байроғининг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш ва уни эъзозлаш маданиятини юксалтириш борасида истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Давлат байроғининг тарихий ва ҳуқуқий асослари, унда акс этган ранглар ва рамзларнинг маънавий-фалсафий мазмуни, кейинги йилларда амалга оширилган конституциявий ва ҳуқуқий ислоҳотлар юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдик.

Давра суҳбатида давлат рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлишнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари, ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур, фуқаролик масъулияти ва умуммиллий бирдамлик туйғуларини шакллантириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Якунда давлат рамзларини эъзозлаш маданиятини юксалтириш, қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш, ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Олий таълимда инклюзив муҳит:

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ВА МУҲИМ ТАКЛИФЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари ҳамда Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан “Инклюзив Омбудсман” лойиҳаси доирасида олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган шароитлар юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳамда уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратиш, айниқса, олий таълим тизимида инклюзив муҳитни шакллантириш, ногиронлиги бўлган ёшларнинг сифатли таълим олиши ва касбий салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан вилоятлардаги 42 та олий таълим муассасасида ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган шароитлар юзасидан мониторинг ўтказилгани айтилди. Ўрганишлар давомида инклюзив таълимни ташкил этиш, бинолар ва инфратузилмани мослаштириш, таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ муаммолар аниқланган. Жумладан, айрим олий таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига тўлиқ мослаштирилмагани, пандуслар, лифтлар, махсус санитария-гигиена хоналари ва ҳаракатланиш учун зарур бошқа қулайликлар етарли даражада йўлга қўйилмаганига эътибор қаратилди. Ўқув адабиётлари ва электрон таълим ресурсларининг барча талабалар учун бирдек қулай эмаслиги, махсус техник воситалар билан таъминлаш, ўқув жараёнини индивидуал эҳтиёжларга мослаштириш ҳамда малакали мутахассислар кўмагини ташкил этиш борасида ҳам ечимини кутаётган масалалар мавжудлиги айтилди.

Мониторинг давомида таълим муассасалари биноларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг мустақил ҳаракатланиши учун зарур бўлган тактиль йўлаклар, огоҳлантирувчи қопламалар, визуал контрастли кўрсаткичлар, Брайль алифбосидаги ёзувлар ва бошқа навигация воситалари етарли эмаслиги маълум бўлди. Шунингдек, пандусларнинг нишаблиги, кенглиги ва тутқичлари белгиланган норматив талабларга мос келмаслиги, лифтлар, бошқа вертикал ҳаракатланиш воситаларидан фойдаланиш имкониятлари чеклангани аниқланган.

Муҳокамада мониторинг натижалари асосида олий таълим муассасаларида инклюзив муҳитни яхшилашга қаратилган қатор амалий тавсиялар илгари сурилди. Хусусан, ҳар бир олий таълим муассасасида бинолар ва ҳудудларнинг ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайлигини баҳолаш, аниқланган тўсиқларни бартараф этиш бўйича алоҳида режа ишлаб чиқиш ва унинг ижросини мунтазам назорат қилиб бориш зарурлиги айтилди. Бунда масъул мансабдор шахслар, бажариш муддатлари, зарур молиявий маблағлар ҳамда эришилиши лозим бўлган аниқ натижалар белгилаб олиниши муҳимлиги таъкидланди.

Зиёдбек ЮНУСОВ, Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси:

— Биз, депутатлар инклюзив таълимни ривожлантириш учун тегишли қонунчилик асосларини такомиллаштиришга эришишимиз лозим. Қолаверса, амалда белгиланган ҳуқуқий кафолатларнинг таъминланиши устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатишда, масъул идоралардан аниқ натижаларни талаб қилишда фаол иштирок этишимиз даркор. Бу борада “Инклюзив Омбудсман” ташаббуси ҳам муаммоларни тизимли ўрганиш, уларнинг ечимига қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш ва ижобий ўзгаришларга эришишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблайман.



Йиғилишда, шунингдек, таълим муассасаси ҳудудига киришдан тортиб, аудиториялар, кутубхона, ошхона, спорт иншоотлари ва бошқа функционал хоналаргача бўлган йўналишларда узлуксиз ҳаракатланиш имкониятини яратиш лозимлигига эътибор қаратилди. Айниқса, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи талабалар учун мўлжалланган тактиль йўлаклар, огоҳлантирувчи қопламалар, контраст белгилар, Брайль алифбосидаги ёзувлар, қаватлар ва хоналар кўрсаткичлари ҳамда овозли сигнализация тизимини жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Якунда олий таълим муассасаларида инклюзив таълим сифатини ошириш, мавжуд инфратузилмани такомиллаштириш, таълим олишдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш ҳамда масъул ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Франциянинг «Societe Generale» банки ҳамда Жанубий Кореянинг «Hana Bank» банки ваколатхоналарини аккредитациядан ўтказди.

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ОМИЛИ

1 Қолаверса, ўзаро савдо ҳажмини ошириш мақсади ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистоннинг тўқимачилик, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва тайёр истеъмол маҳсулотларини Ўмон бозорига экспорт қилиш салоҳияти юқори. Масқат шаҳридаги “Silal” савдо майдонида ўзбек компаниялари учун махсус павильон ажратилгани миллий маҳсулотларимизнинг Форс кўрфази бозорида кенг тарғиб қилинишида муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда Ўмон инвестициялари ва технологияларини мамлакатимизда хомашёни чуқур қайта ишлаш, нефть-кимё ва замонавий инфратузилма лойиҳаларига жалб этиш ҳам ўзаро манфаатлидир.

Таълим, илм-фан ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоҳида таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда Ўмон инвестицияларининг Ўзбекистондаги олий таълим лойиҳаларига йўналтирилаётгани, университетлараро алоқалар ва академик алмашинув дастурларининг ривожланиши икки мамлакат ёшлари ҳамда илмий жамоатчилиги ўртасида яқин ҳамкорликни шакллантиришга олиб келади. Бу эса узоқ муддатли истиқболда икки томонлама муносабатларнинг интеллектуал ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон ва Ўмон ўртасидаги алоқаларнинг бугунги ривожланиш динамикаси



икки давлатнинг узоқ муддатли стратегик манфаатлари муштарак эканини намоён этмоқда. “Ўзбекистон — 2030” ва “Ўмон — 2040” стратегияларида белгиланган устувор вазифаларнинг ўзаро уйғунлиги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳамда Ўмон ўртасидаги шериклик нафақат икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, балки Марказий Осиё ва Форс кўрфази мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, Ўзбекистон — Ўмон ҳамкорлигининг янги босқичи мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини диверсификациялаш, халқаро транспорт-логистика имкониятларини кенгайтириш ва миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги устувор мақсадларига тўлиқ мос келади.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.



ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Ўзбекистон ва Ўмонни тарихий, маданий ва маънавий ришталар боғлаб туради. 1992 йил 22 апрелда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида изчил ривожланиб келмоқда. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 16-17 ноябрь кунлари Ўмон Султонлигига амалга оширган давлат ташрифи кўп йиллик ҳамкорликнинг мантиқий давоми бўлиши билан бирга уни янги мазмун билан бойитди, десак, айни ҳақиқат.

Ташрифнинг энг муҳим сиёсий натижаси, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Ўмон ўртасида стратегик шериклик муносабатларининг ўрнатилганидир. Бу қарор икки давлатнинг нафақат бугунги, балки истиқболдаги умумий манфаатларга асосланган, барқарор ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга қатъий интилишини англатади.

Стратегик шериклик тўғрисидаги битимдан ташқари 30 дан ортиқ икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши эса алоқалар қамрови нақадар кенг эканини кўрсатди. Ушбу келишувлар сиёсий мулоқот билан бир қаторда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва давлат бошқаруви каби муҳим соҳаларни ҳам қамраб олди.

Айниқса, Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ва қўшма “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш бўйича келишувга эришилгани эътиборга молик. Халқаро ҳамкорликнинг ҳақиқий самараси имзоланган ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, одамлар турмушида қандай ижобий ўзгаришлар ясаши билан белгиланади.



Шу нуқтаи назардан, парламент дипломатиясининг ўрни ҳам тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда парламентлар нафақат қонун ижодкорлиги, балки давлатлараро келишувларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг ижросини парламент назорати доирасида кузатиб бориш ва халқлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон ва Ўмон парламентлари ўртасида шаклланган ҳамкорлик тажрибаси бу борада яхши асос бўлиб хизмат қилади. Жумладан, парламентлараро гуруҳлар фаолияти, ўзаро ташрифлар ва мунтазам мулоқотлар алоқаларни янада кенгайтиришга ҳисса қўшмоқда. Ишонамизки, стратегик шерикликнинг янги мақоми парламентларимиз ўртасидаги алоқаларга ҳам янги суръат бағишлайди. Айниқса, қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганиш, ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳаларида фикр алмашиш, ҳудудлар ўртасидаги муносабатларни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ташрифнинг яна бир муҳим натижаси — ўзаро визасиз сафарлар тўғрисидаги келишув. Бу, аввало, икки мамлакат фуқаролари учун сафарларни енгиллаштириш, туризмни ривожлантириш ва халқлар ўртасидаги бевосита мулоқотни кенгайтиришга хизмат қилади. Чунки давлатлар ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамлиги одамларнинг бир-бирини қанчалик яхши билиши, маданияти ва қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлишига ҳам боғлиқ. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлари, бой тарихий ва исломий мероси ўмонлик сайёҳлар учун катта қизиқиш уйғотиши табиий. Ўмоннинг ўзига хос маданияти, қадимий меъморчилиги ва денгизчилик тарихи эса юртдошларимиз учун ўзига хос кашфиёт бўлиши мумкин.

Ташрифнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, Ўзбекистон ва Ўмон халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини яна бир бор тасдиқлади. Бу мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро барқарорлик, тинчлик ва тараққиётга қўшадиган ҳиссасини ошириш учун ҳам янги имкониятлар очади.

Президентимизнинг Ўмон Султонлигига давлат ташрифини мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида муҳим сиёсий воқеа, стратегик шерикликнинг мустаҳкам пойдевори сифатида баҳолаш мумкин. Галдаги вазифа эса — эришилган сиёсий ишончни аниқ амалий натижалар билан мустаҳкамлаш, келишувларнинг ўз вақтида ва самарали ижросини таъминлаш, парламентлараро ва ҳудудлараро алоқаларни чуқурлаштиришдан иборат. Зеро, бугун қўйилган мустаҳкам сиёсий ва ҳуқуқий асослар келгусида Ўзбекистон ва Ўмон ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиради, халқларимизни яқинлаштиради ва икки давлат тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Гулнора МАЪРУФОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси.

Географик жиҳатдан турли минтақаларда жойлашган Ўзбекистон ва Ўмонни асрлар давомида шаклланган савдо йўллари, илм-фан ва маданият соҳасидаги алоқалар боғлаб туради. Бугунги кунда асрлар давомида шаклланган ушбу дўстона яқинлик икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишларини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

АЗАЛИЙ АЛОҚАЛАРДАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК САРИ



Сўнгги йилларда давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ҳам изчил кенгайиб бормоқда. Айни пайтда юртимизда Ўмон капитали иштирокида 8 та корхона, жумладан, 3 та қўшма ва 5 та хусусий корхона фаолият юритмоқда. Бу эса ишбилармон доиралар ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, сармоявий алоқалар учун янги имкониятлар очилаётганидан далолат беради.

Иқтисодий мулоқотни ривожлантиришда транспорт ва логистика соҳаси муҳим ўрин тутади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қулай географик ўрни, Ўмоннинг эса денгиз портлари орқали халқаро савдо йўлларига чиқиш имкониятлари ўзаро манфаатли транспорт-логистика алоқаларини кенгайтириш учун катта салоҳиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ол Саиднинг таклифига биноан 16-17 ноябрь кунлари ушбу мамлакатга давлат ташрифи азалий дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган алоқаларни янги мазмун билан бойитиб, кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Ўмон Султонлигининг олий давлат мукофоти — “Ол Саид” ордени билан тақдирланиши нафақат Ўзбекистон халқига, балки мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорликка кўрсатилган юксак ҳурмат ифодаси бўлди.

Ташрифнинг энг муҳим натижаларидан бири — икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш бўйича қабул қилинган тарихий қарор бўлди. Бу нафақат алоқаларни янада мустаҳкамлайди, балки уларни узоқ муддатли мақсадлар, устувор йўналишлар ва аниқ амалий натижалар асосида изчил ривожлантиришга кенг йўл очади. Шу билан бирга, ўттиздан ортиқ икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши ҳам муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Иқтисодий йўналишда эса умумий қиймати 5 млрд. долларни ташкил этувчи аниқ инвестициявий лойиҳалар портфелининг шакллантирилгани ташрифнинг муҳим амалий натижаларидан биридир. Мазкур лойиҳалар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, қўшма ташаббусларни рўёбга чиқариш ва ўзаро манфаатли шериклик кўламини кенгайтириш учун катта имкониятлар яратади.

Давлатимиз раҳбарининг ўмонлик ишбилармонларни юртимиздаги истиқболли лойиҳаларда фаол иштирок этишга чорлаши, инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдириши ўзаро иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга йўл очади. Бу, ўз навбатида, янги инвестицияларни жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга замин ҳозирлайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ташриф доирасида эришилган келишувларнинг ҳаётга татбиқ этилишида парламентнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Халқаро ҳужжатлар ва келишувларнинг миллий қонунчилик билан уйғунлигини таъминлаш, тадбиркорлар ва инвесторларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро ҳамкорлик учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу боис истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш жараёнлари мунтазам ўрганилади, уларнинг натижадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон ва Ўмонни боғлаб турган тарихий-маданий муштараклик бугунги ҳамкорлик муносабатларига алоҳида маънавий мазмун бағишламоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ўмонга ташрифи мамлакатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга катта суръат бағишлаб, ўзаро муносабатлар тарихида янги саҳифа очади.

Диёр ҲУСАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзбекистон — Ўмон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ БУРИЛИШ ПАЛЛАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўмон Султонлигига давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очди. Учрашувлар, бизнес-форум, миллий саноат кўргазмаси ҳамда имзоланган 30 дан ортиқ муҳим ҳужжатлар тўплами ҳамкорликнинг кенг қамровли ва амалий аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатди.



Ўзбекистон ва Ўмон Султонлиги ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётир. Айниқса, икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси ҳамда олий даражадаги мулоқотлари туфайли давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш ва мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда.

Муносабатларнинг бугунги ривожланиш динамикаси савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика, туризм, таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратяпти. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, тадбиркорлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, қўшма инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари ўртасидаги мулоқотни фаоллаштириш масалалари икки томонлама кун тартибидан муҳим ўрин эгалламоқда.

Иқтисодий салоҳият намойиши

Айтиш жоизки, ташриф доирасида ташкил этилган “Made in Uzbekistan” саноат кўргазмаси мамлакатимизнинг экспорт ва технологик салоҳиятини Ўмон ишбилармон доираларига кенг намойиш қилди. Унда тоғ-кон ҳамда металлургия, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, кимё ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, шунингдек, Янги Тошкент шаҳрининг бош режаси тақдим этилди. Кўргазма шунчаки маҳсулот кўриги бўлиб қолмай, икки мамлакат етакчи корхоналари ўртасида тўғридан-тўғри кооперация алоқаларини ўрнатиш майдонига айланди.

Ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири бўлган бизнес-форумда давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий шерикликнинг аниқ йўналишлари ва мақсадлари белгилаб олинди. Президентимиз форумда нутқ сўзлаб, ҳозирги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини яқин истиқболда 1 млрд. долларга етказиш устувор вазифа эканини таъкидлади.

Бунда ҳамкорликнинг бешта устувор йўналиши белгилаб берилди. Дастлабкиси, саноат кооперацияси бўлиб, электротехника соҳасида Ўмон компаниялари билан биргаликда кабель ҳамда трансформаторлар ишлаб чиқариш, уларни учинчи давлатлар бозорларига экспорт қилиш кўзда тутилган.

Транспорт ва логистика йўналиши бўйича Ўмоннинг Соҳар, Дуқм ва Салала портлари билан Ўзбекистоннинг транзит имкониятларини бирлаштириш, Соҳарда қўшма логистика инфратузилмасини барпо қилиш, тўғридан-тўғри авиақатновларни ва юк ташиш рейсларини кўпайтириш режалаштирилган. Шаҳарсозлик ва туризм соҳаси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бу борада ўмонлик инвесторларнинг Янги Тошкент лойиҳасидаги иштироки назарда тутилмоқда. Қолаверса, пойтахтимизда қад ростлайдиган замонавий “Масқат” мавзеси икки халқ дўстлигининг рамзига айланади.

Бундан ташқари, кимё саноати ва геология-қидирув тармоқларида минерал ресурсларни ўзлаштиришга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, молия ҳамда рақамли технологиялар йўналишида қўшма молиялаштириш тизимларини ривожлантириш кўзда тутилган. Сунъий йўлдошларни учириш ва космик тадқиқотлар бўйича қўшма корхона яратиш мўлжалланаётир.

Узоқ истиқболдаги ишончли шерик

Масқат музокаралари якунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар орасидаги энг салмоқлиси — Ўзбекистон Республикаси ва Ўмон Султонлиги ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги битим бўлди. У икки давлат муносабатларини оддий дўстона ҳамкорлик мақомидан олий — институционал, узоқ муддатли ва тизимли даражага кўтарган тарихий ҳужжатдир.

Халқаро дипломатияда “стратегик шериклик” мақоми икки давлат бир-бирини узоқ истиқболдаги ишончли ҳамкор деб билишини, миллий тараққиёт ҳамда минтақавий хавфсизлик мақсадларини ўзаро мувофиқлаштиришга тайёрлигини англатади. Эндиликда доимий фаолият юритувчи Мувофиқлаштирувчи кенгаш ва аниқ муддатларга эга “Йўл харитаси” орқали ҳар бир келишув ижроси мунтазам назорат қилиб борилади.

> *“Стратегик шериклик Ўзбекистонга Ҳинд океанига тўғридан-тўғри логистик чиқиш имконияти ҳамдир. Мамлакатимиз учун Ўмоннинг Соҳар, Дуқм ва Салала портлари ҳаётий аҳамият касб этади. Битим доирасида “Соҳар” ЭИЗда логистика маркази ва қўшма компания тузилиши ўзбек маҳсулотларининг Форс кўрфази, Ҳиндистон, Жанубий Осиё ҳамда Шарқий Африка бозорларига қисқа ва арзон йўл билан чиқишини таъминлайди. Ўзбекистонга кафолатланган йирик инвестициялар тақдим қилади.”*

Ташриф давомида имзоланган 30 дан ортиқ соҳавий шартномалар (визасиз режим, имтиёзли савдо, саноат, божхона ва бошқалар) айнан ушбу бош битим негизида юридик кучга эга бўлади ва бир-бирини тўлдиради. У халқаро майдонда дипломатик бирдамликни ҳам англатади. БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати ва “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари” мулоқоти доирасида томонлар глобал ташаббусларни ўзаро қўллаб-қувватлаш мажбуриятини мустаҳкамлади.

Стратегик шериклик Ўзбекистонга Ҳинд океанига тўғридан-тўғри логистик чиқиш имконияти ҳамдир. Мамлакатимиз учун Ўмоннинг Соҳар, Дуқм ва Салала портлари ҳаётий аҳамият касб этади. Битим доирасида “Соҳар” ЭИЗда логистика маркази ва қўшма компания тузилиши ўзбек маҳсулотларининг Форс кўрфази, Ҳиндистон, Жанубий Осиё ҳамда Шарқий Африка бозорларига қисқа ва арзон йўл билан чиқишини таъминлайди. Ўзбекистонга кафолатланган йирик инвестициялар тақдим қилади.

“Ўзбекистон — Ўмон инвестиция компанияси” капиталининг 500 млн. долларга етказилиши ҳамда 5 млрд. долларлик лойиҳалар пакети реал молиявий манба билан таъминланди. Бу маблағлар саноат, тоғ-кон, кимё ва инфратузилма объектларига тўғридан-тўғри кириб келади. Қолаверса, ташқи савдо ҳамда экспортнинг диверсификациясига кенг йўл очади. Ўз навбатида, Стратегик шериклик битими Ўмон Султонлигига Марказий Осиёнинг йирик бозорига тўғридан-тўғри кириш имкониятини беради, деганидир.

Ўзбекистон юкларининг Ўмон портлари орқали ўтиши бу мамлакат портлари ҳамда эркин зоналарининг юк айланмаси ва даромадларини оширади, албатта. Иқлими қурғоқчил, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксариятини импорт қилувчи Ўмон учун Ўзбекистон сифатли мева-сабзавот, полиз, дуккакли маҳсулотлар ва қайта ишланган озиқ-овқатни барқарор етказиб берувчи ишончли ҳамкорга айланади.

Ўмоннинг хомашё ҳамда капитали билан Ўзбекистоннинг саноат ва муҳандислик базаси бирлашиб, электротехника, тоғ-кон ва ҳатто сунъий йўлдошларни учириш каби космик соҳаларда қўшма корхоналар тузишдан иккала томон ҳам фойда кўради. Битимнинг ҳақиқий қиймати шундаки, у икки мамлакат тараққиётини умумий иқтисодий занжир орқали боғлайди.

Дарвоқе, эндиликда мамлакатларимиз ўртасидаги маънавий-маърифий, маданий, илм-фан, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик янада кенгаяди. Бугунги кунда таълим тизимидаги алмашинувлар, яъни ўқитувчиларнинг Султон Қобус марказида малака ошириши, ёш дипломатларнинг ўзаро ўқув курсларида қатнашиши келажак авлодлар ўртасидаги дўстлик пойдеворини мустаҳкамламоқда. Режалаштирилаётган маданият кунлари ҳамда кўргазмалар эса икки халқнинг бир-бирини яқиндан танишига хизмат қилади.

Ўзбекистон — Ўмон муносабатларининг мустаҳкамланиши икки давлат ўртасидаги дўстлик ва шериклик алоқаларини янада юксалтиришдан ташқари, Марказий Осиё ва Арабистон яриморолари ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни кенгайтириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ишончли сиёсий мулоқот ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик келгусида янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар очмоқда.

Саодат НОСИРОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори, филология фанлари доктори (DSc), профессор.

«Malaysia Airlines» авиакомпанияси Малайзиянинг Лангкави шаҳридан Тошкентга мавсумий чартер рейсларини йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Парвоз дастури шу йил 5 декабрдан 2027 йил 6 февралгача мўлжалланган.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 19 ноябрь

ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЙҒУНЛИГИ

1 Мажмуа маҳсулотлари, хусусан, “Shoyigul” бренди остида тайёрланаётган газмоллар жаҳон бозорида харидоргир. Уларни сотиб олиш учун буюртма бераётганлар қаторида Италия, Буюк Британия, Австрия, Германия каби Европа давлатлари вакилларини ҳам кўриш мумкин. Бу лойиҳа туфайли 840 киши ишли бўлди.

— Корхона ишчи-ходимларининг 20 нафари маҳалламизда истиқомат қилувчи фуқаролар, — дейди “Шайх-ул Олам” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, сенатор Мойра Тошова. — Уларнинг бир қисми яқин-яқингача “аёллар дафтари”да турган, ишсиз хотин-қизлар эди. Улар бу корхонада ишлаб рўзғорини бут қиляпти.

Туризм — иқтисодиёт драйвери

— Маҳалламиз нафақат қадимий ёдгорликлари, қадамжолари, ҳунармандлари, балки меҳмоннавозлиги билан ҳам танилган, — дейди тадбиркор Дилфуза Жамилова. — Биз ҳам меҳмонхона бизнесини йўлга қўйганмиз. Лойиҳа қиймати 1,5 млрд. сўмлик меҳмонхонамиз 30 ўринга мўлжалланган. Самимият, шарқона муҳит, қулай шарт-шароитлар туризмни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бу ўринда гап кўҳна Бухоронинг Кўкалдош маҳалласи ҳақида бормоқда. Меҳмонхоналари сони салкам юзтани ташкил этаётган маҳалланинг қадимий кўчалари бўйлаб юрсангиз, эмин-эркин сайру саёҳат қилаётган, кўҳна обидалардаги бетакрор нақшларни, зардўзу заргарларнинг қўл меҳнатига асосланган фаолиятини ҳайратланиб кузатаётган хорижий меҳмонларни тез-тез учратасиз.

— Осмонўпар минораю мовий гумбазли масжид-мадрасалар, савдо тоқлари, карвонсаройлар, музейлар Ўзбекистон ҳақидаги тасаввуримизни буткул ўзгартирди, — дейди россиялик сайёҳ Надежда Попова. — Ҳар қадамда хушмуомала, меҳмондўст одамларга дуч келяпмиз. Миллий ошхонани айтмайсизми? Шарқона турмуш тарзи бўй кўрсатиб турган шаҳрингиз унутилмас хотиралар қолдирмоқда.

Дарҳақиқат, Бухоро асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг чорраҳаси вазифасини ўтаган. Эндиликда бу тарихий мерос туризм индустрияси билан уйғунлашмоқда. Сайёҳлик вилоят иқтисодиётининг ўсиш суръатини таъминлаётган тармоққа айланяпти. Асосий мақсад туристлар сонини кўпайтиришгина эмас, балки уларнинг вилоятда қолиш муддатини узайтириш, хизмат сифатини янги босқичга кўтаришдан иборат.

Айтмоқчи, шу йилнинг ўтган даврида вилоятга 2 млн. 700 минг нафардан зиёд хорижий сайёҳлар келди. Шунингдек, 4 млн. 700 минг маҳаллий меҳмон тарихий обидалар, музейлар, зиёратгоҳларга ташриф буюрди. 91 та



янги жойлаштириш воситаси ишга тушди. Натижада уларнинг умумий сони 755 тага етди. Йил якунига қадар туризм соҳасидаги экспорт ҳажмини 1 млрд. АҚШ долларига етказиш кўзда тутиляпти.

Бухоро шаҳрида қурилаётган янги туризм маркази ҳам сайёҳлар учун энг жозибадор масканлардан бири бўлиши кутилмоқда. 50 гектар майдонда барпо этилаётган марказ қабуллар уйи,



кўргазмалар зали, музей, меҳмонхона, оилавий меҳмон уйлари, амфитеатр, ўнлаб инфратузилма объектларини ўз ичига олади. Дарвоқе, давлатимиз раҳбари яқинда вилоятга ташрифи чоғида бу марказ қурилиши билан танишиб, уни миллий меъморчилик анъаналарига уйғун тарзда барпо этиш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Ҳамма гап билим ва технологияда

— Ўқиб-ўрганиш, изланиш камолотга етмоқ асосидир, — дейди ғиждувонлик педагог Ситора Музаффарова. — Туманимизнинг чекка қишлоқларидан бири Оқработда “IT-shaharcha” ташкил этилган. Мен шу ерда ёшларга инглиз тилидан сабоқ беряпман. Ўғил-қизлар замонавий фан сирларини ўрганибгина қолмай, IT хизматлари кўрсатиш, фрилансерлик билан шуғулланиш, стартаплар тайёрлашда маълум бир кўникмалар ҳосил қилмоқда. Рақамли технологияларни ўрганишяпти. “IT-shaharcha” бир мавсумда 180, йил давомида эса 700 нафардан кўпроқ ўғил-қизларни қамраб олиш имкониятига эга. Ушбу қулайликлар ёшлар салоҳиятини юзага чиқаришда қўл келмоқда.

— Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, келажак иқтисодиёти билим ва технологияларга таянади, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Бобомурод Очилов. — Шундан келиб чиққан ҳолда вилоятимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Натижада яратилаётган интеллектуал маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ошмоқда.



Айни дамда вилоятда 74 та “IT Park” резиденти фаолият юритаётир. Уларда 700 дан зиёд малакали мутахассислар меҳнат қиляпти. Шу соҳадаги корхоналарнинг 16 таси экспортчи компания саналади. Йилнинг дастлабки ярмида улар томонидан амалга оширилган IT хизматлари экспорти 5,2 млн. АҚШ долларига етди.

Барчаси инсон манфаати учун

Шу кунларда Шофиркон туманидаги Тезгузар маҳалласида яшовчиларнинг узоқ кутилган орзуси рўёбга чиқмоқда. Ҳудудда 33 километр узунликда қувурлар тортилиб, ичимлик суви таъминоти масаласи ҳал этиляпти. Бу хайрли юмуш ортидан маҳалладаги 7 та қишлоқда яшовчи мингдан зиёд хонадонларнинг ташвиши енгиллашмоқда.

— Туманимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш азал-азалдан оғриқли масала бўлиб келган, — дейди ҳамкасбимиз Алишер Обидов. — Эътиборлиси, мазкур муаммо босқичма-босқич ўз ечимини топмоқда. Ҳозир шу йўналишда қиймати 9 млрд. сўм бўлган йирик лойиҳа амалга оширилаяпти. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ бажарилаётган ушбу ишлар натижасида жами 3 640 та хонадон марказлашган ичимлик сувидан баҳраманд бўлади. Бу “Инсон қадри учун” тамойили энг чекка қишлоқларда ҳам ўз мевасини бераётганини кўрсатади.

Сирасини айтганда, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш вилоят учун энг устувор вазифалардан саналади. Муаммо ечимида Осиё инфратузилмавий инвестиция банки иштирокида бажарилаётган ишлар кўл келмоқда. Лойиҳа доирасида ичимлик суви ва оқова сув тозалаш иншоотлари барпо этиш, янги тармоқларни тортиш кўзда тутилган. Натижада 1,8 млн. нафар аҳоли марказлашган ичимлик суви билан, 507 минг киши эса оқова сув хизматлари билан қамраб олинади. Пировардида вилоятда аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 83 фоизга етади.

...Биз вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид айрим ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида сўз юритдик, холос. Вақоланки, воҳада бунёдкорлик ишларининг кўлами кенг. Бу ўринда вилоятнинг янги маъмурий маркази қурилгани, замонавий халқаро аэропорт, йирик мусобақалар ўтказиш имконига эга стадион, “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилаётгани, йил охирига қадар 7 мингта уй аҳолига топширилиши кўзда тутилганини айтиш билан кифояланмоқчимиз. Зеро, бу каби улуғвор юмушлар “Бухоро — 2030” стратегияси асосида изчил амалга оширилмоқда. Вилоят хорижий сармоядорлар учун энг жозибадор гўшага айланяпти.

Бухоро нафақат бой тарихи ва маданий мероси, балки замонавий саноати, рақамли иқтисодиёти, интеллектуал салоҳияти билан дунёга юз бураётир.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭРТАГА БУГУНГИДАН КУЧЛИ БЎЛАМИЗ

Инсон умрининг ярим асрлик даври мобайнида авлодлар алмашади, ҳаёт манзаралари сезиларли равишда ўзгаради. Ўрта мактабни битириб, катта ҳаётга қадам қўйганимга ярим асрдан ошибди. Яқинда ўн йил бир партада ўтириб таҳсил олган синфдошим билан дийдорлашдик.

— Сен пойтахтдаги баланд бинoларда оқ кўйлакда ўтириб ҳақиқий ҳаётни яхши билмайсан, — деб баҳсга киришди болалик дўстим.

— Кечирасан, шунча йиллар мобайнида сен бир қишлоқда тажриба орттирган бўлсанг, мен Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларини кезиб чиққанман. Менда таққослаш имконияти бўлди.

— Қишлоқ шароитида нон топиш, қозон қайнатиш учун қанча ҳаракат қилишни тасаввур этасанми?

— Албатта, ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Юр, кўчага чиқайлик. Сен айтган ҳаётни бир кузатайлик...

Ташқарига чиқиб икки-уч чақирим пиёда юрдик. Аксарият уйлар ёнида ўтиргичлар териб қўйилган. Қўниқўшнилар ўтирволиб, бир-бирлари билан гурунгни қизитмоқда. Кўчадан ким ўтса, ўша одам ҳақида мавзу очилади. Бу суҳбатда гурунгдан кўра ғийбат устуворлик қилади. Мана шу манзара мисолида инсоннинг қайтиб келмас фурсати беҳуда ўтаётганини кузатиш мумкин.

— Буларнинг маълум қисми ишсиз. Бекорчиликда зерикишдан ўзаро гаплашмай нима қилсин? — дейди дўстим уларни оқлагандай бўлиб. Сўнг давом этади: — Камбағалликни қисқартириш ҳақида кўп ёзасизлар. Ўзинг ўйлаб кўргин, йил сайин дўкон ва бозорларда нарх-наво ошаётгани ростми? Шундай шароитда камбағаллар қисқарадими, кўпаядими?

— Юртимизда “Камбағалликдан фаровонлик сари” умумхалқ ҳаракати яхши натижалар беряпти. Ҳозирдан камбағалликдан холи ҳудудлар пайдо бўлмоқда.

— Бу ҳаракатнинг кенг тарқалиши яхши. Лекин мен сенга бошқа мисол келтираман. Туман миқёсида ишлаётган бир раҳбарга бешта камбағал оилани бириктиришибди. Синчиклаб қаралса, ўша раҳбарнинг ўзи ҳам камбағал эмиш. Бунга нима дейсан?

— Сен айтган мисол камдан-кам учрайди. Аслида раҳбар бўлган одам камбағал бўлишга ҳаққи йўқ.

— Э, Президентимиз айтди-ку: “Бизда камбағал қолмади” деган гапга ишонмаймиз”, деб.

— Бу гап баъзи рапортбозларга нисбатан айтилган. Кейинги йиллардаги ислоҳотларни одамлар сезишяптими?.. Пенсия ёшидагилар ой бошидаёқ пенсия пулларини олишяпти. Накд пул масаласи тўла ҳал этилган. Бир томони пластик карточка бизга қулай бўлиб қолди. Шундай замондан шикоят қилсак, инсофдан бўлмас. Баъзи ношукр одамлар дастурхондаги ноз-неъматни давлатимиз ғозимизга солиб қўйса, дейишади.

— Ҳа, ҳаракат қилмаган одам камбағал бўлиб қолаверади.

Дўстим билан айланиб Шариллоқ маҳалласи яқинидаги ғишт қуювчилар олдидан чиқдик. Қолипдан чиққан ғиштлар офтоб тиғида қуритиляпти. Ушбу қурилиш материалига харидорлар тинимсиз келиб турибди. У ерда йигитлар одамлар эҳтиёжини қондираётганидан, ўзлари муттасил даромад кўраётганидан мамнун кайфиятда ишлашяпти.

Шу кичик мисолнинг ўзи “Истаган имкон топади, истамаган — баҳона” деган нақлга ҳаётий воқелик ифодаси бўлади.

Қурилиш материали тайёрланаётган бу масканни кўрганда беихтиёр юртимиздаги бунёдкорлик ишлари жадал суръат касб этгани кўз олдимизда намоён бўлади. Тўғри, қурилиш ашёлари нисбатан қимматлашяпти. Лекин қурилиш шиддати каррасига ўсмоқда. Кўплаб вилоят ва туманларда “Янги Ўзбекистон” типидаги даҳалар қад кўтармоқда. Уларга кўчиб келган яшовчилар билан суҳбатлашганимизда барчалари ажойиб қулайликларга эга уйларда яшаётганларини айтишди. Баланд қаватли иморатлар чин маънода янги ҳаёт тимсоли бўлиб боряпти.

Жиззах шаҳрининг Хуросон қўрғонида бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” даҳасида истиқомат қилаётган Наби Мансуров бундай шинам хонадон оиласига жуда маъқул келганини айтди.

— Биз худди Янги Ўзбекистонда яшаётгандаймиз. Шу ернинг ўзида мактаб, боғча ва керакли инфратузилмалар тайёр экан.

Қани айтинг, шунчалик тез суръатларда қурилиш қачон бўлганди? Ўн йил олдинги маром билан таққослаганимизда фоизда эмас, бир неча баравар ўсиш намоён бўляпти.

Ўзбекистон тарихида Андижоннинг Асакасида автомобилсозлик янги сўқмоқ очган бўлса, саноатнинг бу тармоғи Жиззахда зўр муваффақият билан юксалиб бормоқда. Ҳали ён-атрофдаги давлатлар фақат “иномарка”лар ҳисобига яшаётган бўлишса, Ўзбекистонда “MAN” автозаводи ва Жиззахдаги “ADM Jizzax” МЧЖ ҳамда “BYD Uzbekistan Factory” қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган автомашиналар нафақат маҳаллий бозорга, балки хорижий давлатларга ҳам етказиб бериляпти. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу корхоналарда бўлиб, оқ фотиҳа берганидан кейин конвейер гуриллаб ишлаб кетди. Бу соҳадаги ютуқларни кўрмаслик учун инсон кўзи ожиз бўлиши керак. Шу икки корхона ишга тушганидан кейин 4 мингга яқин иш ўринлари вужудга келибди. Жиззах замини қачон шундай маррани эгаллаган?

Фориш туманини азалдан саноатдан йироқ маскан дейишарди. Шу боис ҳам форишликлар вилоятнинг чўл туманларидан иш излашар, ўзлари туғилган заминни гўё боши берк кўчага қиёслашарди. Буни қарангки, Президентимиз ташаббуси билан бу ерда базальт ишлаб чиқариш саноатига асос солинди. Бу заминдан унча узоқ бўлмаган Учқулоч қўрғошин-рух кони хорижий инвестиция шарофати билан хазинасини очди. Бундай ўзгаришлар ўз тупроғи азиз бўлган шижоатли инсонларнинг саъй-ҳаракати туфайли тараққиёт йўлига чиқди.

Бу ҳаётда “Ўзликни англаш” деган тушунча бор. Агар инсон ўзи нимага қодирлигини англаса, вужуди кучғайратга тўлади. Шу маънода, биз Ватанимиз қудратини дилдан ҳис қилсак, янги марраларга дадил интиламиз. Акс ҳолда биз кичкина одаммиз, деган кайфиятда бўлсак, пастда ўралашиб юраверамиз.

Бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Илгари “Катталар нима деса, шу-да” деб турадиган фуқаро бугун “Ватаним тараққиётига мен нима қилишим мумкин?” дейдиган фаол замондошларимизга айланган.

Сўзимиз аввалида бошланган баҳс ҳаётий мисолларга мурожаат қилишимиз асносида муштарак хулосани берди. Энг муҳим жиҳат шундан иборатки, ҳар бир фуқаро Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ёдда тутса ва унга амал қилса, олам гулистон бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Бугун кечагидан кучлимиз. Насиб этса, эртага бундан ҳам кучли бўламиз”. Суҳбатимиз шу қанотли сўзлар билан якунланди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ
(«Халқ сўзи»).

КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚИШНИНГ САМАРАЛИ ФОРМУЛАСИ

1 Бу маблағлар ҳар бир оиланинг шароитидан, қизиқишидан келиб чиқиб йўналтирилади. Шу ҳисобда йил якунигача, туманимиз камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айланиши учун барча имкониятларимиз етарли.

Тумандаги тажрибанинг амалдаги натижаси “Қўшкўпир парранда” МЧЖ мисолида ҳам намоён. Корхона кооперация усулида ўз фаолиятини кенгайтириб, 16 та маҳалладаги ижтимоий реестрда турадиган, бандлиги таъминланмаган аҳолини ишли ва даромадли қилишга кўмаклашмоқда. Шундай оилалардан бири — Шаҳноза Собирова хонадони.

— Дастлаб ишни кооперация усулида 150 бош жўжа олиб парваришлашдан бошладик, — дейди уй бекаси Шаҳноза Собирова. — Кейинчалик жўжалар сонини кўпайтириб, 1 200 бошга етказдик. Паррандалар ҳар 40 кунда етилади ва ўртача 10 млн. сўмдан кўпроқ даромад оляпмиз. Олдин оиламиз ижтимоий реестрда турар эди, ҳозир маҳалладаги иқтисодий имконияти юқори хонадонлардан бирига айландик.

Дарвоқе, видеоселекторда Қўшкўпир туманидаги тўқимачилик корхонаси йил бошидан буён тўлиқ қувватда ишламаётгани айтилиб, агар корхона тўлиқ қувватга чиқса 1 300 та иш ўрни яратилиши таъкидланган эди. Корхона фаолиятидаги оқсашнинг сабаби электр таъминоти тизимидаги муаммо бўлиб, унинг ечими сифатида янги нимстанция қуриляпти. Бу иш якунига етиши билан корхона тўлиқ қувватда ишлай бошлайди. Демак, юзлаб оилалар учун барқарор даромад манбаи яратилади.

Маҳалладан бошланган ташаббус

Камбағалликни камайтириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар, захиралар жуда катта. Буларни ишга солиш эса, аввало, маҳалладан бошланади. Хонқа туманидаги Гулистон маҳалласи тажрибаси бу борада эътиборга молик.

— Мазкур гўшада бугунги кунда 18 та камбағал оила бор, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Умидбек Нуруллаев. — Камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишидан кейин бундай оилаларнинг доимий даромад манбасини шакллантириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқдик. Маҳалламизнинг драйвери — гулчилик ва кўчатчилик. Шундан келиб чиқиб, камбағал оилаларни ушбу фаолият турига жалб қилдик. “Қовун-қовундан ранг олади” деганларидек, уларнинг ўзларида ҳам шу ишга қизиқиш бору фақат маблағ етишмаслигидан фаолиятни йўлга қўйиша олмаётган эди. Имтиёзли кредит олиш муаммоси ўз ечимини топгач, улар ҳам енг шимариб ишга киришди. Насиб этса, шу йилнинг ноябрь ойи якуни билан маҳалламизни камбағалликдан холи ҳудудга айлантирамиз.

Камбағалликни қисқартириш ҳақида сўз кетганда, кўпинча катта-катта завод-фабрикалар, йирик ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳақида гапирилади. Албатта, бундай лойиҳалар янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсишда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ айни йўналишда иқтисодиётнинг яна бир улкан ва мустаҳкам таянчи бор. Бу — уй хўжаликлари.



Хоразмда аҳолининг катта қисми қишлоқ жойларида яшайди. Ҳар бир оила шахсий томорқа хўжалигига эга. Агар деҳқон учун маҳсулотни етиштиришдан тортиб, уни саралаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишгача бўлган яхлит тизим яратилса, томорқа оила учун барқарор даромад манбаига айланиши муқаррар.

— Илгари оиламиз “Камбағал оилалар реестри”да турар, даромадимиз етарли бўлмагач, рўзғор юкини тортишда анча қийналар эдик, — дейди Гуллола Отажонова. — Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси Оллашукур Ражабов томорқамизда иссиқхона ташкил этиш ва гулчилик билан шуғулланиш учун имтиёзли кредит олишни таклиф қилди. Қисқа муддатда оиламизнинг тўрт нафар аъзосига 33 млн. сўмдан имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағнинг 18 млн. сўми ҳисобига тўртта иссиқхона қурдик, қолган қисмини эса турли гул навлари хариди ва фаолиятимизни кенгайтиришга сарфладик. Бугунги кунда ушбу иссиқхоналарда парваришланаётган ранг-баранг гуллар нафақат оиламизнинг даромад манбаи, балки маҳалла кўркига айланди.

«Маҳсулотимизни ўзимиз сотяпмиз»

Шовот туманидаги Узункўл маҳалласида истиқомат қилувчи Расулбек Собировнинг тажрибаси эса етиштирилган маҳсулотни сотиш занжирини йўлга қўйиш қанчалик муҳимлигини кўрсатади.

— Турмуш ўртоғим билан ўзимизга тегишли 30 сотих ижара ер майдонида қовун етиштириб, йилига 50 млн. сўм даромад топаётган эдик, — дейди Расулбек Собиров. — Тўрт нафар фарзандимиз бор, рўзғор харажатлари ҳам шунга яраша. “Маҳалла еттилиги” вакиллари шароитимизни ўрганиб, енгил конструкцияли дўкон қуриш учун электрон савдода ер майдони харид қилишда амалий ёрдам берди. Энди ўзимиз етиштираётган полиз маҳсулотларини ушбу дўконда сотиш орқали йиллик даромадимизни 100 млн. сўмгача ошириш имконияти пайдо бўлди.

Хоразмда камбағалликни қисқартиришнинг энг катта захираси — одамларнинг ўзида ва ҳудуднинг иқтисодий имкониятида. Бундан келиб чиқиб, бир оилада паррандачилик, бошқасида гулчилик, яна бирида полизчилик ва савдо йўлга қўйилмоқда. Кимгадир кредит, кимгадир бозор, яна кимгадир иш ўрни керак. Асосий вазифа — ана шу эҳтиёжларни тўғри аниқлаб, уларни натижага олиб борадиган ечим билан боғлаш.

Шу жиҳатдан олганда, “Камбағалликдан фаровонлик сари” шиори замирида инсонга ишлаш, касб ўрганиш, тадбиркорлик қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва муносиб даромад топиш учун имконият яратишга қаратилган аниқ ҳаракатлар мажмуи мужассам. Хоразм мисолида эса бу ҳаракатлар аллақачон амалий натижалар бермоқда.

Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Юртимизда ўтказилаётган «Бағрикенглик ҳафталиги» доирасида Миллий маданий марказлар павильонида «Ўзбекистон — бағрикенг диёр» номли фотокўргазма ташкил этилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6